
СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ҳамма соҳада бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислохотлар бошланди. Мустақилликда ўтган 29 йил давомида мамлакатни демократиялаш ва модернизация қилиш жараёнида жуда катта ишлар амалга оширилди. Замон билан ҳамнафас яшаб келаётган халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб келинмоқда.

Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 июль куни имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли фармон ҳам шулар жумласидандир. Мазкур фармонда суд тизимни такомиллаштириш, одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир нечта ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларга қулайлик яратиш ва улар овозгарчилигининг олдини олиш мақсадида, 2021 йил 1 январдан бошлаб суд тизимига “бир суд – бир инстанция” тамойилини жорий этиш ва шу билан боғлиқ суд тизимида бир қатор ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишнинг белгиланганлигидир. Бу нимани англатади?, барамизга маълумки ҳозирги кунда вилоят суди айрим ишларни биринчи инстанция сифатида ҳам кўриб, унинг устидан келиб тушаётган шикоятларни апелляция ва кассация инстанциясида ҳам кўради, бу эса фуқаролар орасида айрим норозиликларни, тушунмовчиликларни келтириб чиқараётган эди. Мазкур фармон билан қонунчилигимизга киритиладиган ўзгаришлардан сўнг туман суди кўрган ишни вилоят суди апелляция инстанциясида, вилоят суди биринчи инстанция сифатида кўрган ишни Олий суд судлов таркиби апелляция инстанцияси сифатида кўради.

Шунингдек, мазкур фармон билан судларда ишни кўриб чиқиш босқичлари янада соддалаштириш орқали самарали суд тизимни яратиш кўрсатиб ўтилди. Хусусан:

- суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш;

- жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

- апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқиш;

Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Олий суди раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг протестига асосан кассация тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий этилиши шулар жумласидан.

Бугунги кунда, маъмурий ишлар бўйича туман судлари маъмурий-ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб келмоқда, юқоридаги фармон билан эса маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар жинорий ишлар бўйича судларга ўтказиладиган бўлди. Эндиликда вилоят маъмурий судлари ва вилоят марказида жойлашадиган туманлараро маъмурий судларда маъмурий ишлар ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар кўриб чиқилади, холос. Туманлардаги маъмурий судлар тугатилиб, унинг штат бирликлари эса туманлардаги жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, фармон билан суд тизимида бир қатор ўзгаришлар кўзда тутилган бўлиб, буларнинг барчаси одил судловни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади деган умиддаман.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар моҳият-эътибори билан одил судлов самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда тўлиқ ҳимоя қилишга, бир сўз билан айтганда, мамлакатда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Риштон туман судининг раиси

У.Ғ.Мехмоналиев

Жиноят ишлари бўйича

Риштон туман судининг

деворхона мудири

Д.Асатуллаев

2020-08-15 12:26:27